

---

## Кўп миллатли Бўстон маҳалласида ҳам минг метр масофадаги ички йўлларга асфальт ётқизилди

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилаётган салмоқли ишлар юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам янги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон туманида ҳам айтилган қарор ижроси доирасида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4 минг 500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ички йўллар билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 3 та кўчада жойлашган минг метр масофадаги йўллар асфальтланиб, равон ва соз ҳолга келтирилди.

Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси йўлсозлари томонидан бажарилган бунёдкорлик ишларидан маҳалланинг кўп миллатли ёшу-қариси бирдек мамнун.

2023-04-17 22:16:03